

# ORIENTAL JOURNAL OF ACADEMIC AND MULTIDISCIPLINARY RESEARCH

Open Access, Peer Reviewed Journal

Scientific Journal



[www.innoworld.net](http://www.innoworld.net)

+998 33 0178868



## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Насиров Илхам Закирович**

*т.ф.н., профессор*

*Андижон машинасозлик институти,*

**Митиллаев Сарварбек Турсунпўлатович**

*Андижон вилояти Автомобиль йўллари қўмитаси бўлим  
бошлиғи*

**Автомобил йўли**- бу автомобилларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган транспорт инфратузилмасининг бир объекти бўлиб, у шунга йўлнинг ўнг томони четдаги қўшни ер участкаларини ва уларнинг устида ёки остида жойлашган таркибий элементларни (қирғоқ, йўл тўшамаси ва ёопламаси) ва унинг технологик қисми бўлган йўл иншоотларини ўз ичига олади- ҳимоя йўл иншоотлари, сунъий йўл иншоотлари, ишлаб чиқариш объектлари, йўл қурилиши элементлари [1].

Бу атама- узоқ вақт давомида маълум бир ҳаракат интенсивлиги билан ҳисобланган тезлик, юк ва ўлчамларга эга автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш учун махсус ишлаб чиқилган функционал боғлиқ таркибий элементлар ва сунъий муҳандислик иншоотлари (кўприклар, йўл ўтказгичлар, туннеллар, тўхташ жойлари) мажмуасини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида Транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль йўллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда [2].

Шу мақсадда республикамизда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда амалиётчилари томонидан автомобиль йўли тармоғини қулай ривожлантириш борасида лойиҳаларни амалга оширишни характерловчи қуйидаги мезонлар ўрганилган ва тавсиялар берилган [3]:

- истиқболдаги ҳаракат жадвали;
- юк ва пассажирларни ташиш харажатлари;
- йўлни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари;
- йўлларни қуриш харажатлари;
- пунктлар ўртасидаги оралиқ масофа;
- пунктлар ўртасидаги ҳаракат вақти;
- автомобилнинг ҳаракатланиш хавфсизлиги;
- транспорт воситалари ҳаракат тезлиги;
- автомобиль йўлининг техник- эксплуатацион кўрсаткичлари.

Мавжуд усулларнинг амалиётда кенг қўлланилишига қарамасдан ҳудуд доирасида мазкур усуллардан рационал фойдаланиш етарли даражада эмас. Оптимал вариантли йўл тармоғини тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларни илмий асосланган ҳолда ечиш мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатлар учун оптималлик мезони олинади. Мадомики, ечимни излаш ҳар хил қарама-қарши омилларни ўзида акс этар экан, бунда мос мақсад ва вазифаларнинг чегаравий шартлари ва чекловларни ўрнатиш керак. Автомобил йўл тармоғини ривожлантиришдаги оптимал ечим йил давомида етарли тезлик ва қулайликда хавфсиз ҳаракатни таъминлаши керак. Шунинг учун ҳудуд автомобил йўл тармоғини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш самарадорлиги пунктлар ўртасидаги участкаларда автомобиль транспортининг ҳаракат тезлигини ошириш билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги кўрсаткичлар тизими тақлиф этилган:

- саноат маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичи;
- аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар кўрсаткичи;
- аҳолининг бандлиги кўрсаткичи [4].

Автомобил йўл тармоғи ҳолатининг сифати ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш учун корреляция-регрессия моделлаштириш келтирилган. Тадқиқот учун корреляция-регрессия моделлаштиришда автомобил йўл тармоғининг ҳолати омили сифатида умумфойдаланувдаги қаттиқ қопламали автомобил йўл тармоғи зичлиги қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитасига-автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатни олиб бориш, автомобиль йўл тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш, автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш ҳамда бошқа вазифалар ва фаолият йўналишлари юклатилган.

Ўзбекистондаги жами автомобиль йўллар тармоғи 209,5 минг кмдан зиёд узунликда бўлиб, ундан 42869 километри- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 141883 километр- ички хўжаликлараро, қишлоқ, шаҳар ва овулларнинг автомобиль йўллари, 24745 км эса- идоравий инспекторлик йўллари тармоғи ҳисобланади [5].

Жорий йил Инвестиция дастурига асосан 2735,8 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳамда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурларга асосан 10 114,5 км ички йўлларда, шаҳар кўчаларида қуриш, қайта қуриш ишлари амалга оширилади.

2024 йилнинг 3-чораги давомида умумфойдаланувдаги 335 км автомобиль йўлларида қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилди.

Минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини зарур даражага келтириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, 3-чорак мабойнида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурлар асосида 3 578.3 кмдан ортиқ ички йўллар таъмирланди.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун кўмита тизимидаги корхоналарнинг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 267 та махсус техника харид қилиш режалаштирилган [6].

Шунингдек, Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда., Жумаладан:

- Осиё тараққиёт банки иштирокида- А-380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 87 км қисмини реконструкция қилиш;
- Осиё тараққиёт банки иштирокида- А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 3 км қисмини реконструкция қилиш;
- Ислон тараққиёт банки (ИТБ) иштирокида "М39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлининг 1395-1400 км ва 1410-1426 км (21 км) қисмларини реконструкция қилиш;
- Осиё тараққиёт банки иштирокида- А-380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 240 км қисмини реконструкция қилиш;
- Осиё инфратузилма инвестициялар банки иштирокида- А-380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 78 км қисмини реконструкция қилиш;
- Жаҳон банки иштирокида- Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари маҳаллий автомобиль йўлларини ривожлантириш;
- Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида- "4Р87 "Ғузур-Чим-Кўкдала" автомобиль йўлининг 35 км қисмини реконструкция қилиш лойиҳаларидир.

Андижон вилоятида автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 13427 км, шундан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 2544 км, ички йўллар 10 883 км.ни ташкил этади [7].

Шунингдек, ушбу йўлларнинг 3 824 км (28 %) қисми таъмирлашга талаб ҳолатда бўлиб, шундан 530 км умумфойдаланувдаги йўллар, 3 294 км ички йўлларни ташкил этади.

Жорий йилда тасдиқланган дастур ва топшириқлар асосида 418,8 млрд. сўм маблағ ажратилиб, 1 274,1 км йўллар ва 11 дона кўприкларни реконструкция қилиниши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар йўлларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига 369,7 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 1238,1 км йўллар ва 9 дона кўприклар таъмирланди. Жумладан,

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларни қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларига 241,1 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 373,7 км автомобиль йўллари ҳолати яхшиланди.

Амалга оширилган таъмирлаш ишлари натижасида, бугунги кунда 138 та маҳаллалардаги 75,3 минг аҳолига қулайлик яратилиб, транспортларни хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Ички йўлларни таъмирлаш ишларига 128,6 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 272 та МФЙда 864,4 км (асфальт- 332 км, шағаллаш- 532,4 км) йўллар таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.

Жумладан, ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 8,9 млрд. сўм миқдорида ишлар бажарилиб, жами 0,8 км автомобиль йўллари таъмирланди.

Бундан ташқари, ПҚ-259м- сонли қарорга асосан 35,6 млрд. сўм миқдорида ишлар бажарилиб, жами 102,5 км автомобиль йўллари таъмирланди.

“Ташаббусли бюджет” дастури доирасида 84,1 млрд. сўм маблағ ҳисобига 228,7 км ички йўллар таъмирланди.

Андижон вилоятидаги амалга оширилган таъмирлаш ишлари натижасида, бугунги кунда 272 та маҳаллалардаги 145 минг аҳолига қулайлик яратилди.

Андижон вилоятидаги автомобиль йўлларида 1 072 дона кўприк бўлиб, шундан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 624 дона, ички йўлларда 448 дона кўприклар жойлашган [8].

Вилоятдаги кўприкларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига ҳам қаттиқ эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда 6,2 млрд. сўм маблағ сарфланиб, умумфойдаланишдаги йўлларда 7 дона, ички йўлларда 2 дона кўприклар, жами 9 дона таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Келгусида ишларни давом эттирган ҳолда жами 71,4 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва ички йўлларда 49,1 млрд. сўмлик реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилади. Жумладан:

4,3 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 16,6 млрд. сўмлик реконструкция қилиш ишлари бажарилади;

14 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 28,3 млрд. сўмлик таъмирлаш бажарилади;

53,1 км узунликдаги тупроқ йўллар шағаллаштирилиб, мавжуд тупроқ йўллар тўлиқ тугатилади.

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 3 донa кўприкларни таъмирлаш ишларига 6,1 млрд. сўм сарфланади.

Амалга оширилган ишлар натижасида, 392 тадан зиёд маҳаллалардаги 214,8 минг аҳолига қулайлик яратилади, транспортларни хавфсиз ҳаракатланиши таъминланади ва транзит йўлларда йўлларни юк кўтариш қобилияти ортади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Gaffarov Makhammatzokir Toshtemirovich , Nasirov Ilham Zakirovich , Sobirova Tursunoy Abdipatto kizi , Hakimov Mavlonbek Solijon ugli. (2023). Recovery Of Fines From Drivers Of Foreign Vehicles. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 3589–3591. <https://doi.org/10.47750/pnr.2023.14.03.446>.
2. Насиров Ильхам Закирович, Махмудов Озодбек Эркинбаевич. ВЛИЯНИЕ ТРАНСПОРТНОГО ПОТОКА НА АТМОСФЕРНЫЙ ВОЗДУХ ГОРОДА// "Социально-экономические и технические системы: исследование, проектирование, оптимизация", №3(95), 2023 год, с. 121-127.
3. Nasirov Ilham Zakirovich, & Akromjonova Sayyoraxon Baxtiyor qizi. (2023). YO'L BOSHQARUVINI INTELLEKTUAL AXBOROT TIZIMLARI ASOSIDA AVTOMATLASHTIRISH . Journal of New Century Innovations, 21(4), 122–127. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/3070>
4. Nasirov Ilham Zakirovich, & Maxmudov Ozodbek Erkinboevich. (2023). SANOAT KORXONALARINING TA'MINOT ZANJIRIDA LOGISTIK JARAYONLARNI TAKOMILASHTIRISH. Scientific Impulse, 1(8), 493–499. Retrieved from <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/6478>
5. Ильхам З. Насиров, Дилноза Т. Козиболаева и Саидолимхон З. Аббасов. (2023). Новые подходы к очистке выхлопных газов двигателей внутреннего сгорания. Техасский журнал техники и технологий , 21 , 46–49. Получено с <https://zienjournals.com/index.php/tjet/article/view/4113>.
6. Gaffarov Maxhammatzokir Toshtemirovich, & Nasirov Ilham Zakirovich. (2023). YANGI O'LCHOVLARDA EVROPA XAVFSIZLIGI. EVROPA ITTIFOQIDA YASHIL KELISHUV ISTIQBOLLARI. Scientific Impulse, 2(15), 935–942. Retrieved from <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/13051>

7. Насиров Илхам Закирович, Хайдаров Муроджон Акбаралиевич. ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИНГ АСОСИЙ ЭКСПЛУАТАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРЛАРИ// ИJODKOR O'QITUVCHI JURNALI- 5 DEKABR / 2023 YIL / 34 -SON, 138-143 б. <https://bestpublication.org/index.php/iq/article/view/8554/8741>
8. Gaffarov Maxamatzokir Toshtemirovich, Nasirov Ilham Zakirovich. XALQARO LOGISTIKA STRATEGIYASI//ANDIJON IQTISODIYOT VA QURILISH INSTITUTI "O'zbekistonning investitsion muhit jozibadorligi - qurilish taraqqiyotining muhim omili va xorij tajribasidan foydalanish imkoniyatlari" mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to'plami. Andijon: АнДИҚИ- 2023, 602-606 б.



INNOVATIVE  
WORLD